



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 18 июн, сешанба №97 (1314)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БЎЗСУВ СОҲИЛИДАГИ ЗИЁРАТГОҲ

Пойтахтимизнинг Юнусobod туманидаги Бўзсув соҳилида барпо этилган «Шахидлар хотираси» ёд-орлик мажмуида муазам бино қад ростламоқда. У Президентимизнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонида кўра бунёд этилаётган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейидир. 400 квадрат метр майдонни эгаллаган бу зиёратгоҳ истиқлолимизнинг ўн бир йиллик байрами арафасида ишга тушади.

Ҳозир мустамлака тузуми жабрини кўрганларнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳужжатлар ва бошқа материаллар йиғилмоқда. Бу борадаги сай-ҳаракатлар натижаси ўлароқ бугунги кунда 20 мингдан кўпроқ ҳаётимиз ҳақида маълумотлар, мингдан ортқ қатағон этилганларнинг фотосмлари, уларга оид икки мингдан зиёд архив ҳужжатлари тўпланди. Материаллар сараланиб тартибга солинган, янги музей экспозициясидан ўрин олади. (ЎзА)

Оролбўйи муаммолари

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессиясида дунё микёсидаги глобал муаммо — Орол муаммосини ҳал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратгани. Ушбу муаммонинг ечимини топиш учун жаҳон ҳамжамияти, экология масалалари билан шўғулланаётган халқаро ташкилотлар ҳам бош қотирмоқда.

«СУДОЧЬЕ» КЎЛИ ТИКЛАНАДИ

Бир вақтлар Оролнинг сув қоплаган майдони 68 минг квадрат километри ташкил этиб, улкан об-ҳаёт ҳавзаси ҳудудидаги 500 дан ортқ оролчалар, кўллар, кўлтиқлар турли-туман ҳайвонот дунёсига бой бўлган. Орол сатҳининг пасайиши оқибатида Бўзатов туманининг «Довуи кўл», Қозоқдарёдаги «Ялтирбош», Мўйноқдаги «Шегекўл», «Рибачье», «Ажибой», «Мўйнок» кўлтиги, «Сарикбош», «Думалок» кўллари куриб қолди. Оз миқдорда суви сақланиб турган «Судочье» кўли ҳам бундай хатардан йироқ эмас. «Судочье» — Мўйноқ шаҳрининг қибла томонида, Уст-юрт плотоси шарқда жойлашган бўлиб, бир вақтлар Ўзининг табиий кўриниши жиҳатидан фойдаланиб, жўроғий жойлашиши бўйича энг қулай ва катта кўллардан ҳисобланган.

1963-1965 йиллари 220 минг гектарлик майдонни эгаллаган кўлларда йилга 225 минг тоннагача балиқ, 1130 минг тоннадан ортқ ондатра териси етиштирилган. 300 минг гектарлик камшизорлар, 300 минг гектардан ортқ ўрмонзорлар ястанган. Сувнинг камайиши ва сифати бузилиши, гидрогеологик, гидробиологик ўзгаришлар тўғрисида кўллари майдони 2001 йилга келиб 20 минг гектарга озаёйиб кетди. Сувнинг шўрланиши даражаси 60 промилга етганлиги жониворлар ҳаётига жиддий ҳаф солди. (Давоми 2-бетда).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 июн кун Оқсаройда Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Индулис Берзиньшни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари, меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, икки томонлама муносабатлар изчил ва барқарор ривожланиб бораётганидан мам-

нуният изҳор этди. Ҳамкорликнинг кўламини нечоғлиқ ошганини куйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин. 1994 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 13,1 миллион АҚШ

долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 103,4 миллион долларга етди. Ҳозир мамлакатимизда йигирмадан зиёд Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Муносабатларимизнинг ҳозирги даражасини ижобий баҳолаш

мумкин эса-да, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун ҳали имкониятлар кўп. Учрашувда Президент Ислам Каримов Латвия портлари орқали ўтаётган Ўзбекистон товарлари ҳажмини ошириш икки томон учун ҳам бирдек фойдали эканлигини таъкидлади.

Меҳмон самимий қабул учун Президентга миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистонга келишдан мақсад ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш имкониятларини ўрганишдан иборат эканлигини таъкидлади ва келгусида ҳамкорлигимиз қирралари кўпайишига ишонч билдирди. (ЎзА).

Сўхбат чоғида Ўзбекистон-Латвия муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, транспорт коммуникациялари борасида алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. (ЎзА).

ДАРСЛИК, ИЖАРА ВА САМАРА

Ўзбекистон Халқ таълими вазири ўтган йилнинг 1 сентябидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманидаги мактабларда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизимини синовдан ўтказишни бошлаган эди. Режага кўра, ўқувчи мактаб кутубхонасидан дарсликларни ижара ҳақини тўлаш ҳисобига олиб, ўқув йили охирида кутубхонага қайтаради.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида Осиев тараққиёт банкининг «Умумий ўрта таълим мактаблари учун дарслик ва ўқув қўлланмаларни нашр қилиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси ва Британия кенгаши ҳамкорлигида вилоятлар кутубхоналари мутахассислари учун ташкил этилган семинарда мазкур таърибнинг дастлабки натижалари муҳокама этилди.

Дарсликларни ижара усулида сотиш ҳозирдаёқ ижобий самара бермоқда. Жумладан, ота-оналарнинг дарслик сотиб олишга ажратадиган маблағи камайган. Натижада ўқувчиларни китоб билан тўлиқ таъминлаш имкони кенгайган. Шунинг билан олган ҳолда, Халқ таълими вазири 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган барча мактабларнинг 9-синфларида дарсликларни ижарага бериш тизимини жорий этишни режалаштирмоқда. (ЎзА).

Жиззах вилояти касаба уюшмалари Кенгаши вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилни кўнглидагидек ўтказишни ташкил этиш юзасидан махсус қарор қабул қилди. Унга кўра жорий йилда 7600 нафар ўқувчи энг яхши оромгоҳларда кўнглини дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашлари кўзда тутилган.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ СЎНМАСИН

— Ёзги соғломлаштириш масъулияти давр ҳисобланади, — дейди Кенгаши раиси ўринбосари Аъзам Ихтиёров. — Имтиҳондан муваффақиятли ўтиш, ўғил-қизларимиз кўнглини ҳордиқ чиқаришларини барча ерда бирдек таъминлаш юзасидан белгиланган тadbирлар изчил амалга оширилди. Илғорлар таърибсини оммалаштириш, оромгоҳларни тайёрлашдаги камчиликларни бартараф этишда раёсат йиғилиши ҳамда биргаликдаги текширувларнинг нафи катта бўлди. Шу боис, бу йил сўлим масканлар эшиги белгиланган вақтда очилди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятдаги 17 та оромгоҳда катта ҳажмда таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Зарбдор тумани пахта тозалаш корхонасига қарашли «Бўстон», вилоят «Матлуботсавдо» компаниясининг «Матлуботчи», Зафаробод тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига тегишли «Жилгача», Фаллаоролдаги «Камолот» каби қатор оромгоҳларда тайёргарлик ишлари кўча муддатда маромига етказиб бажарилди. Шу тариқа 12 июндан бошлаб ўқувчилар севимли гўшалари

рига жалб этилдилар. Бир нарсга эътиборни тортади: баъзи мутасаддилар ҳар йили муҳим ишга кеч қиришадилар. Сабабини сўрасангиз, «узрли» сабабларни рўқач қилишадилар. Бирок, ҳамма гап муҳим ишга лозим даражада омиқкорлик, иштиёқ билан киришилмаганидир. Қўйтош кони тасарруфидаги «Лолазор», «Жиззахтаъминот» шўъба корхонасининг «Зангори олов», Арнасой тумани ва қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг «Табассум» масканларида ханузгача таъмирлаш ишлари чўзилиб келмоқда. Сув насосини ўрнатиш, соғлаш ишлари ниҳоясига етказилмаган. Сабоқлардан хулоса чиқариб, фарзандларимиз олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилишимиз, сўлим масканлар уларнинг кўнглини дам олишлари учун ҳар томонлама талабга жавоб берадиган бўлишига эришишимиз лозим. **Б.НОРКУЛОВ,** «Ишонч» муҳбири.

«УЧ СОҲИЛ»НИНГ ФАЙЗЛИ КУНЛАРИ

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги сўлим оромгоҳлар келажакимиз ворисларининг шўх ўйин-кулгусига тўлган. Балиқчи тумани тасарруфидаги Қорадарё соҳилида жойлашган «Уч соҳил» дам олиш маскани ҳам болажонлар билан гажум. Баҳаволиги ва хушманзара табиати билан ажралиб турувчи ушбу оромгоҳ тумандаги етакчи корхоналардан бири Ўзбек-Америка қўшма корхонаси ҳомийлигида қайтадан бунёд этилди. Бунга 40 миллион сўм маблағ сарфланди. Қисқа фурсатда фойдаланишга топширилган дам олиш масканида ҳозирда меҳнатқашларнинг 400 нафар фарзанди ҳордиқ чиқармоқда. — Болажонларнинг мириқиб дам олишлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган, — дейди

оромгоҳ раҳбари Т.Ҳамидов. — Замонавий жиҳозланган ошхона, ётоқхона, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, теннис корти, чўмилиш ҳавзалари ҳам улар ихтиёрида. Гуруҳлар ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақаларида фойдаланган мазмурият томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланмоқда.

Бундан ташқари, маънавий-маърифий тadbирларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Чунинчи, болажонлар бадий адабиётларга бой кутубхона ишлаб турибди. Малакали мутахассислар раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган 6 та тўғра болажонларнинг билим ва кўникмаларини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Шу билан биргаликда турли хил мазгулларда кўрик-танлов ва викториналар ўтказилмоқда. «Уч соҳил» оромгоҳида мавсум давомида 1200 нафар бола дам олиши мўлжалланган. **О.ЭРГАШЕВ,** «Ишонч» муҳбири.

Оролбўйи болаларидан 1 минг 110 нафари Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Тошкент вилоятининг тоғлар бағридаги сўлим оромгоҳларига жўнаб кетди.

КОРАҚАЛПОК БОЛАЛАРИ ОРОМГОҲЛАРДА

Нукус темир йўл вокзалида ўқувчиларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. — Қорақалпоғистонлик 5 минг нафар ўғил-қиз ёзги таътилни мамлакатимизнинг турли хушманзара оромгоҳларида ўтказди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Самандар Искандаров. — Оромгоҳларга биринчи навбатда «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари жўнатилди. (ЎзА).

ИШ БЕРУВЧИ НЕГА МУЛЗАМ?

Вазирлар Маҳкамасининг иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир кўшимча чора-тadbирлар тўғрисидаги қароридан таъкидланганидек, мулкчилик шаклларидаги катти назар корхона ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида, тўлиқ тўланиши учун хўжалик юритувчи субъектлар масъулдирлар. Бирок, буни ҳамма ҳам бирдек ҳис қилаётгани йўқ. 19-Қашқадарё дехқончилик қурилиши очик ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги йирик жамоалардан бири. 2876 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим фаолият юритаётган мазкур ташкилотга 24 та шўъба корхонаси бирлашган. Қўлигул қурувчилар бунёд этган қўлдан-қўп маъмурий турар-жой ҳамда маданий-маиший бинолар воҳа хуснига-хусн қўшиб турибди. Бахтга қарши, қурувчилар билан фикрлашсангиз, уларнинг шашти пастлигини сезасиз. Сабабини куйидагича изоҳлаш мумкин. Жамият маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган 11 бўлим, 211 банддан иборат жамоа шартномасида ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишнинг

аниқ дастури белгилаб берилган. Унинг «Меҳнатга ҳақ тўлаш» деб номланган V бўлимида иш берувчи корхонанинг молиявий аҳолидан катти назар оининг биринчи ярми учун 25-кунда, иккинчи ярми учун эса кейинги оининг 5-кунда иш ҳақи тўлаши кўрсатилган. Меъёрий ҳужжат жамоанинг умумий йиғилишида тасдиқланган. Меъёрий ҳужжатлар, қарорлар қабул қилиш бу хайрли ишнинг бошланиши, холос. Мақсадга эришиш учун тadbирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамлашни лозим. Лекин, бу ерда шартнома шартлари бажарилмай келмоқда. Касабақўм раиси Шўхрат Кенжаев узоқ йиллардан буён шу вазифада ишламоқда. Бирок, унда қатъиятлик, изчиллик, масъулиятни зиммага ола билиш, омиқкорлик етишмапти чоғи. Касабақўм раиси корхонанинг иш ҳақидан 117 миллион 688 минг сўм қарздор эканлигининг туб сабабларини ишончли тарзда изоҳлай олмайди. Ҳиссадорлар йиғилишида ҳам масоаларни ўз вақтида бериш, ишонч омилига эътиборни қучайтириш маса-

лалари хусусида алоҳида гап борди. Бирок, кўнглида бўлиб қурувчилик билан сўхбатлашганимизда, ахвол яхши томонга ўзгармаётганлигини чуқур ҳис этдик.



Чироқчидаги 11-қурилиш бошқармасида 173 киши ишлайди. Бу ерда иш ҳақидан қарздорлик 7 миллион 129 минг сўм ташкил этибди. Шу тумандаги 12-дехқон қурилиш бошқармаси, 14-қурилиш бошқармасида ҳам ишлар орқага кетиб, ижтимоий ҳимоя масаласида ташвишли ҳол юзага келган. Бозор талаби қатъий. Бундай шартномада кўлга бош бўлган кишилар — иш берувчи, касабақўм раиси, етакчи мутахассислар изланувчан, қатъиятли, кўнчилики ўз ортидан эргаштира биладиган кишилар бўлишлари керак. Кузатишлар шунинг кўрсаткичи, баъзи раҳ-

барлар бозор шароитида фаолият юритишга ўзларини тайёрлай олмадилар. Муаммоларни жойида ҳал этиш, иқтисодийни юксалтиришга хизмат қилувчи омиқкорлик вақтида ишга солимадилар. Оқибат натижада муаммолар йиғилиб, жиддий камчиликларни юзага келтирди, иш орқага кетди, ишлаб чиқариш ҳажми қисқарди. 19-Қашқадарё дехқончилик қурилиши очик ҳиссадорлик жамияти раиси ва бош ҳисобчисининг елиб-югуришларига қарамадан, қурувчилар бунёд этган иморатларнинг маблағларини ундириб олиш фойдага қийин кечмоқда. Демак, иш бошидан пухта бўлмаган. Ташвишлиши шунки, корхонанинг ижтимоий сурғурта ва касаба уюшма аъзолик бадалларидан қарзи тобора ошиб бормоқда. Бу каби камчиликлар вилоятнинг қатор қурилиш ташкилотларида ҳам учрайди. Жумладан, «Қашқадарёқурилиш» масъулиятли чекланган жамоа корхонасининг дебитор қарзлари 195 миллион 65 минг, кредитор қарзлари эса 638 миллион 661 минг сўмини ташкил этади. Вилоят ҳокимлигининг қа-

питал қурилиш бошқармаси бажарилган ишлар учун 41 миллион 330 минг, «Шўртангаз» кўйм мажмуаси 67 миллион 30 минг сўм қарзни ханузгача тўлаб берган эмас. Шу боис ҳам йирик жамоанинг иқтисодий аҳоли эндиликда яхши эмас. Ойлик маош кечикаётганиги ишловчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Вазифасини сидқидилдан бажарайтган ишчи-хизматчи иш берувчиларни қуруқ ваъдалар, узрли сабабларини эмас, амалий ҳаракатларни кутди. Ўз навбатида Вазирлар Маҳкамаси қароридан кўрсатиб ўтилганидек, касаба уюшмалари тегишли идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа шартномаларининг, бошқа норматив ҳужжатларининг ролинини оширишга доир кўшимча чора-тadbирлар қўришлари, иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлигини оширишлари лозим. **Изаат ҲИҚМАТ,** «Ишонч» муҳбири.

Касаба уюшмаларига хат келди

АЁЛ ҚУВОНЧИ

Анджон вилоят касаба уюшмалари Кенгаши қабулхонасига ташриф буюрган ҳар бир фуқаро илиқ қарши олиниб, муаммолари синчковлик билан ўрганилади. Лозим бўлса, ҳуқуқшунослар фойдали маслаҳатлар берадилар. Шу боис бу ерга умид қилган қадам ранжида қилаётган аксарият кишиларнинг мушукули осон бўлмоқда.

Шунингдек, ҳар бир хат, илтимоснома синчковлик билан ўрганилади. Вилоят Кенгашининг раиси Қодиржон Парпиевнинг ўзи бу муҳим ишга алоҳида масъулият билан ёндашади. Ходимларга ҳам хат ортда инсон борлигини ўқтиради. Бир кун Кенгаш раиси Марҳамат туман Полвонтош шаҳарчасида яшовчи Мухаббатхон Султонованинг дилнома масига кўз югуртирди, ўйга толди. Унда муштипар аёл уч нафар боласи борлиги, қизчаси тўшакка миҳланиб қолганлиги боис ёрдамга, шифокорлар мададига муҳтожлигини баён қилиб, бу борада қандай имтиёزلарга эгалиги ҳақида тушунақчи беришни сўраганди.

Уша кун муштипар онанинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш юзасидан ҳуқуқий ёрдам таркиби тузилди. Ҳуқуқшунос Фарид Носиров, тиббиёт ходимлари касаба уюшма вилоят кўмитаси раиси вазифини бажарувчи Дилором Эргашева, талим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кўмитаси раиси ўринбосари Эркинжон Каримов ҳаракатга тушдилар. Аввало хат йўллаган кишининг меҳнат ва турмуш шароитини ўрганиш, унинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини тиклашга эътибор қаратилди.

Касаба уюшма вакиллари мулоқот пайтида М.Султонованинг оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни яхши билмаслигини аниқлашди. Шунда уй бекасига йўл-йўриқ, маслаҳатлар берилди. Қўмақчилар шаҳарчининг санитария қисмида ҳам бўлдилар. Улар сўхатгоҳда Ўзбекистон Президентининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури тўғрисидаги фармонининг бажарилиши билан атрофлича қизиқдилар. Шунда оналар ва болаларга кўрсатилмаётган тиббий-профилактика ишлари талаб даражасида эмаслиги, шикоят хатида келтирилган ногирон Софийахонга бириктирилган ҳамшира анчадан буён бе-

мор ҳолидан хабар олмаганлиги маълум бўлди. Бу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Маҳаллаларга қўшимча равишда Гулнора Фафорова, Тўхтаҳон Бурхонова, Мухаммадхон Қулбаёров каби малакали шифокорлар сафарбар этилдилар.

Натижада 22 нафар ногирон бола, 14 нафар уруш иштирокчиси, шунингдек, туғруқ ёшидаги аёллар диспансер кўригидан ўтказилди. 4 нафар ногирон шифохонанинг болалар бўлимига келтирилди. Ном юқорида келтирилган Софийахон Обидова ҳам мутахассис педиатр назоратида даволана бошладу. У саломатлигини анча тиклашга, Қўрғонтепа туманидаги ногирон болалар уйида муолажама давом эттиришга қўйилди.

Яқинда Анджон вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси номига Полвонтош шаҳарчасидан хат келди. Унда онаизор М.Султонова меҳрибонлик, ёрдам учун касаба уюшма фаолларига самимий миннатдорчилик изҳор этган эди.

Биз вилоят Кенгаши ҳаётидан бир шингил келтирдик, ҳолос. Ушуман касаба уюшмаларига келаётган хатларга эътибор тобора яхшиланиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ 757 та ариза ва шикоят, муражаатнома кўриб чиқилиб, аксарияти ижобий ҳал этилди.

Етакчи мутахассис Мунираҳон Холиқованинг таъкидлашича, кейинги пайтда ижтимоий ҳимоя масаласи кўндаланг қўйилган 156 та оғзақ муражаат ҳам олинди. Хусусан, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича 61 та муражаат ижобий ечимини топди. Бўз туманидаги 18-мактаб директори С.Аҳмаджонов, Анджон шаҳридаги 3-ғишт заводи ходими Дилбархон Эгамбердиева вилоят Кенгашининг аралашуви билан ўз вазифаларига қайта тиклаш ҳақида фуқаролик судига даъво аризаси киритдилар.

Меҳнатқашларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳам фаолият мезонига айланган. Шу мақсадда бошлангич ташилотларда давра сўхатлари, мутахассислар билан учрашувлар, савол-жавоблар уюштирилмоқда. Яқинда Бобур номидаги ип йиғирув ва тўқув-трикотаж ҳиссадорлик жамиятида, Олтинқўлдаги банк молия коллежидида ўтказилган «Кенгаш қўнларининг нафи катта бўлди».

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

(Боши 1-бетда)

Хуш, кўлни тиклаш мумкинми? Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1994 йили 11 январда Орол муаммоларига бағишланган Нукус конференциясида «Орол денгизи бассейнида экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ иш - ҳара-

Республикаси 137,5 минг АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратиши зарур.

Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Ижроия кўмитасининг 1998 йил 10 августдаги қарорига асосан лойиҳани амалга ошириш гуруҳи тузилди. Кўлнинг ҳақиқий аҳоли, ҳудудда яшайдиган аҳоли

лади ва ишга киришди. Ҳозирги пайтда хорижий мутахассислар ҳамкорлигида «Қорақалпоқсувқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари кўлга сув ўтказувчи тўртта иншоотни барпо этмоқдалар.

Мутасаддиларнинг эътирофи айтишларича, келажақда кўлнинг сув

«СУДОЧЬЕ» КУЛИ ТИКЛАНАДИ

катлар дастури» қабул қилинди. Унда кўллари, кичик сув омборларини, сув қўтиқларини тиклаш, Оролбўйида экологик ҳолатини яхшилаш, биологик ва ботаник имкониятларини яратиш, айни пайтда аҳолини иш билан таъминлаш учун деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш асосий вазифа қилиб белгиланди.

Бу дастур «Судочье» кўли орқали синаб кўрилади ва ўзини оқласа, бошқа ҳудудлар ҳам кенг миқёсда тadbик қилинади.

Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Ижроия кўмитаси Нукус филиали директори У.Аширбековнинг айтишича, лойиҳани амалга ошириш учун Глобал экологик фонди 2,1 миллион, Голландия ҳукумати 1,6 миллион, Қорақалпоғистон



сонни, касби, иш билан бандлиги, турмуш тарзи, уй-жой шароити, балиқчилик, чорвачиликни ривожлантириш имкониятлари, Мўйноқ балиқ-консерва комбинатининг фаолияти ўрганилди.

Оқар сув тушмаганлиги учун «Судочье» кичкина кўлчаларга бўлиниб, шўрланиб кетган. Кўлчаларни бирлаштириб, «Кўнгирот» ва «Ақушпа» коллекторларга туташтириш учун Хи-

тойти мутахассислари ёрдамида дамбаланган каналлар қазилди. Ўтказилган халқаро тендер мусобақасида Хитой Халқ Республикасининг 3-миллион сув захиралари ва гидроэнергетик муҳандислик корпорацияси голиблики эгал-

қопланган майдони 52 минг гектарни эгаллайди. Бунинг учун 860 миллион кубометр сув керак бўлади. Шунинг 200 миллион кубини дарёнинг оқар, 660 миллион кубометрини коллектор-дренаж сувлари ташкил этади.

Экологик вазият ва атроф-муҳитни яхшилаш учун эзгу ишлар бошланди. Лойиҳа амалга оширилса, балиқчилик янада ривож топиб, йилга камида 5 минг центнер балиқ овлаш, 40 минг дона ондатра териси тайёрлаш, қушлар ва бошқа жониворларни кўпайтириш имконияти вужудга келади.

ЁЛКИН.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Нуробод тумани ғаллакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб давлатга ғалла топшириш режасини удаллашди. Бунинг учун атиги етти иш кунни талаб этилди.

Режа лалмикор ерлардан йиғиб олинган 6 минг 465 тонна бугдой ҳисобига бажарилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу суғориладиган майдонлардаги ғалла ўрмилмай туриб адо этилди. Ваҳоланки, туманда ғаллага ажратилган жами 18 минг 314 гектар майдоннинг 2 минг 634 гектари суғориладиган ерларга тўғри келади. Туман ғаллакорлари суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 40-45 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашмоқда.

«Туркистон-пресс»

МУТАЛ БУРҲОНОВ



Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир худудликка учради. Атоқли композитор, Ўзбекистон халқ артисти, сценарист ижодкор Мутал (Мутаваккил) Бурхонов шу йил 15 июн кунини 86 ёшида вафот этди.

Мутал Бурхонов 1916 йил 5 майда Бухоро шаҳрида таваллуд топди. 1928-1932 йилларда Самарқанд мусиқа ва хореография институтини, сўнгра Москва давлат консерваториясида тахсил олди.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, у фашизмга қарши курашган жангчилар сафида бўлиб, оғир жароҳат олгани сабабли Тошкентга қайтади ва ўз ижодкорлик фаолиятини бошлади. 1955-1960 йилларда Ўзбекистон композиторлар уюшмаси бошқарувининг раиси лавозимида ишлади.

Ўзбек композиторлик ижодиётининг асосчиларидан бири бўлган Мутал Бурхонов олтинчи йилдан зиёд вақт давомида узлуксиз ижод билан шуғулланиб, турли жанрларда бадий етук асарлар яратди. Унинг маданиятимиз хазинасидан муносиб ўрин олган «Алишер Навоий» операси, «Абадий хотира» марсияси, «Навоийга қасида» сингари йирик мусиқа асарлари, «Ишқид», «Шоир орузи», «Табассум қилмадинг ҳеч» каби романслари, «Она диёр», «Ипаклари тиллодан», «Баҳор» сингари кўшиқлари, «Маф-тунингман», «Ибн Сино» каби бадий фильмларга ёзган мусиқалари халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Композиторнинг бетакор ижоди халқаро мусиқа жамоатчилиги томонидан ҳам кенг эътироф этилган.

Мутал Бурхонов Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусикасининг муаллифидир. Унинг замонавий ўзбек мусиқа санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаси давлатимиз томонидан оқсак баҳоланган. У Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон санъат арбоби унвонлари, Давлат мукофотлари, «Эл-ўрт хурмати» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан тақдирланган эди.

Бутун умрини санъат йўлига бағишлаган, тақдир синовларини мардона энгиб ўтган заҳматқаш ижодкор Мутал Бурхонов ёш истеъдодларнинг талабчан ва меҳрибон устози эди. Ёшлар тарбияси борасидаги хизматларини эътироф этиб, унга Ўзбекистон Давлат консерваториясининг фахрий профессори унвони берилган эди.

Буюк санъаткор, ажойиб инсон Мутал Бурхоновнинг порлоқ хотираси қалбимизда абдий сақланиб қолади.

И.Каримов, Э.Халилов, Ҳ.Султонов, Х.Кароматов, Х.Султонов, Х.Жўраев, Р.Абдуллаев, А.Орипов, И.Ақбаров.

Истиқлол берган имкон

Сурхондарёнинг йирик тумани Деновда халқ фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган тадбиркорлар жуда кўп. Моҳир ташкилотчи Ҳабибулло Нормуродов улардан бири.

«Сурхондарёнинг йирик тумани Деновда халқ фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган тадбиркорлар жуда кўп. Моҳир ташкилотчи Ҳабибулло Нормуродов улардан бири».

ва озода. Шаҳар аҳолисини талаблари ўрганилиб, Самарқанд ноҳиясини тайёрлайдиган 2 та новвойхона ва мақорон чеги очилди. Эндиликда 50 ўринли табиий мева шарбатлари, маъданли сувлар ва яхна ичимликлар корхонаси қуриляпти.

Бир йилда ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқлари

«ЗИЛОЛ» ЧАШМАЛАРИ

1991 йилда унинг ташаббуси билан «Орол-К» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига асос солинди. Дастлаб банкдан кредит олиниб, Ҳазарбодда 2000 тонна узумни қайта ишлайдиган кичик корхона ташкил этилди.

Тадбиркорнинг саяёҳаракати билан у бугунги кунда 300 нафар киши ишлайдиган катта заводга айланди. Маҳсулотнинг бир қисми ички бозорга, қолгани Россиядаги савдо корхоналарига юборилмоқда.

Тадбиркор яратувчилик фаолияти билан астойдил шуғулланди. Бозор иқтисодиёти талаблари масъулиятини чуқур тушунади, мулкчи муносабатлар иштирокчиси сифатида рақобат курашида қатнашади. Унинг корхоналари бир йилда давлат бюджетига 2 миллиард сўм солиқ тўламоқда.

Кичик ва ўрта бизнес ривожланган ва тараққий этаётган мамлакат иқтисодиётининг асосидир, — дейди биз билан сўхатда Х.Нормуродов. — Тадбиркорлик билан шуғулланган ҳар бир ишбилармон иқтисодий билим, таҳриба ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Кичик ва ўрта корхоналар яқин икки маҳсулотнинг ўсиши ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим манба ҳисобланади. Яқинда фирма хузурида бир кунда 1,5 тонна тоза спирт ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди.

Шаҳарнинг аҳоли тизига яшайдиган даҳасида 800 савдо ўрнига эга «Гулзор» савдо маркази, 70 дан орттиқ дўконлар, 6 та ресторани, чойхоналар ишга туширилди. Вилоят маркази Термиз шаҳрида ҳам 100 ўринли «Қариялар чойхонаси» қад кўтарди.

Фирманинг савдо тармоқларида ишлаётган ходимларининг асосий эътибори истеъмолчилар эҳтиёжи ва талабларини қондиришга қаратилган. Дўконларда санаот ва озиқ-овқат маҳсулотининг хили кўп, сифати қаноатланган. Ошқона ва ресторандарда тайёрланаётган таомлар мазали ва хушхўр, иш жойлари тоза

стенкардия, юрак ишемик касалликлари, марказий ва периферик нерв системаси, аёллардаги бепуштлик ва бошқа касалликлар даволанади.

Даволаниш учун барча физиотерапевтик асбоблар билан бир вақтда лазер нури, кварцли инфракизил нур, игна санчиб даволаш,

Таниқли ўзбек олими Рустан Раҳимовнинг тиббиётда ноёб «НОУ-ХАУ» керамик инфракизил нур тарқатувчи тиббий аппарат ёрдамида резонанс терапия даволаш услуби асосида муолажалар ўтказилмоқда.

Кичи жисмига мутлақо зарарсиз бўлган инфракизил керамик нур тарқатувчилар фақат паталогик томондан ўзгарган тўқималаргагина таъсир кўрсатади ва беморни салбий асоратлардан сақлайди.

— Оромгоҳда даволаниб, дарддан фориғ бўлдим, — дейди Шўрчи туманидан келган 63 ёшли отахон Жўраул Авазов. — Тиббиёт ходимларидан бир умр миннатдорман.

Бундай қалб сўзларини сариосиёлик Марқа Қоратова, Саодат Норқуллова, олтинсойлик Урал Алматов, Дилором Менгқобилова, Аширғул Едгоровалардан ҳам эшитиш мумкин.

— Қавақзининг Кисловодск, Железноводск каби машҳур дам оlish масканларида дам олганман, — дейди 70 ёшли уруш фахрийси Иван Тадуркин. — Аслида узоққа бориб, овера бўлиб юрган эканман. Дардимга шифони шу ердан топдим.

Санаторий худудида 400 метрик чуқуриқдан отилиб чиқётган маъданли сув ошқозон ва ичак касалликларига даъво. Озекр ва парадфин шартнома асосида Россиядан келтирилади. Шифохона атрофидаги бир гектарлик боғ дарахтзор ва туззорга байлангиларин.

Санаторийимизда даволаниш учун касаба уюшмалари орқали йўлланмалар кўпроқ ажратилса, нур устига аъло нур бўлур эди, — дейди бош врач Р.Мирзаева. — Соҳа мутасаддиларининг қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

И.ИСОМУДИНОВ.

ҲАММАСИ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

Бухоро вилоятидаги «Мовий гулхан», «Ёш Бунда ҳомий ташкилотларнинг беғараз кўмаги жуда кўл келди. Аксарият ишлар хашар йўли билан охирига етказилди. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Натижада «Коинот»нинг кўрки-жамоли таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Оромгоҳ бағрида 1-боқичда 400 нафардан зиёд ўғил ва қизлар мориқиб дам олиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Зоир Ҳайитов, Мухайё Уринова, Ҳалим Сафаров сингари жамоа аъзоларининг саяёҳаркатлари туфайли ёрдамчи бог ҳўжалигида баҳор-

таъмирдан чиқарилди. Бунда ҳомий ташкилотларнинг беғараз кўмаги жуда кўл келди. Аксарият ишлар хашар йўли билан охирига етказилди. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Натижада «Коинот»нинг кўрки-жамоли таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Оромгоҳ бағрида 1-боқичда 400 нафардан зиёд ўғил ва қизлар мориқиб дам олиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Зоир Ҳайитов, Мухайё Уринова, Ҳалим Сафаров сингари жамоа аъзоларининг саяёҳаркатлари туфайли ёрдамчи бог ҳўжалигида баҳор-



Ёз — ўтади соз

ги мавсумда 5 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Карам ва помидор каби сабзавот маҳсулотлари шу

ернинг ўзида етиштирилиб, кичкинтойлар дастурхонига тортилади. Оромгоҳда болаларнинг дам олишлари учун ҳар

бир болага кунига 1000 сўмдан маблағ ажратиш кўзланган.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Машгулот

Кейинги кунларда Давлат солиқ кўмитаси мажлислар залида кетма-кет иккита амалий машгулот бўлиб ўтди. Уларнинг биринчиси Олий ҳўжалик суди ўқув марказида малака ошираётган судьялар ҳўжалик судларининг судьялари иштирок этган бўлсалар, иккинчисиди Адлия вазирлиги хузуридаги Республика юристлар малакасини ошириш марказида касб маҳоратини ошираётган жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари ва уларга тенглаштирилган ҳарбий судларнинг судьялари қатнашдилар.

Ҳар иккала машгулот ҳам солиқ қонунчилигини амалиётда қўллаш билан боғлиқ масалаларга бағишланди. Шу боисдан машгулотларда Давлат солиқ кўмитасининг раҳбар ходимлари ва етакчи мутахассислари фаол иштирок этиб, тингловчиларга солиқ қонунчилигини амалда қўллаш тартиби бўйича етарлича маълумот ва маслаҳатлар бердилар.

Биринчи машгулотни бошқариб борган республика Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари М.Азимов вилоят ҳўжалик судларининг судьялари турли йўналишлар бўйича касб маҳоратини ошираётганликларини таъ-

қидлаб ўтди. Бу гал улар солиқ тўловлари билан боғлиқ муаммоларни ечиш йўллариини ўрганиш, солиқ низоларини кўриб чиқиш тартиби билан кенгрок танишиш, солиққа тортишдаги янгиликлар ҳақида тўлароқ маълумотлар олиш

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТ

мақсадида йиғилган эдилар. Машгулотда сўзга чиққан Давлат солиқ кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Э.Гадов, солиқ солиш услубийтини такомиллаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Р.Бахромова ва бошқа мутахассислар тадбир қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Амалий машгулот давомида кўпгина муаммолар ўз ечимини топди.

Яқинда кўмитамизга Республика юристлар малакасини ошириш марказида ўз малакасини ошираётган жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар судлари ҳамда уларга тенглаштирилган ҳарбий судларнинг судьялари таширф буюрдилар. Мақсад — судлар фаолияти

тида солиқ соҳасидаги қонунбузарликларга оид ишларни кўриш, жинорий хатти-харакатларга йўл қўйган мансабдор шахслар ва фуқароларнинг айбларини аниқ далиллар асосида исботлаб, ҳукм чиқариш билан боғлиқ айрим муаммолар ечи-

мини топши эди. Жонли мулоқот давомида Анджон вилояти Улуғнор тумани жинорий ишлар бўйича суд раиси Ш.Ахмедова, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани жинорий ишлар бўйича суд раиси Ш.Ражабова, Чирчиқ шаҳар ҳарбий суди судьяси Р.Обидов ва бошқа тингловчилар кундали амалиётда учраётган баъзи масалаларга эътиборни қаратишди. Давлат солиқ кўмитаси мутахассислари Б.Набижонов, Р.Норбутова, А.Эрназаров ва С.Примкулов улар кўтарган масалаларга солиқ қонунчилигига оид ҳужжатларга асосланган ҳолда оидинлик киритдилар. Машгулот давомида солиқ қонунчилигини амалиётда қўллаш тартиби, солиқ

тўловлари билан боғлиқ масалаларни юқори солиқ органларидида кўриб чиқиш, солиқ тўловчилар билан ўзаро муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқбузарлик учун қўлланиладиган жарима турлари ва уларни қўллаш тартиби бўйича маслаҳатлар берилди. Жумладан, тингловчилар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддаси 1-банди ва Солиқ кодексининг 135-моддаси 2-банди асосида ҳуқуқбузарликларга нисбатан бир пайтнинг ўзида ҳам маъмурий, ҳам молиявий жарималарни қўллаш тартиби бўйича тўлиқ тушунақча эга бўдилар. Суд ҳукминини чиқариш чоғида асосланиш зарур бўлган қонун ҳужжатлари билан танишдилар.

Давлат солиқ кўмитасида ўтказилган амалий машгулотлар тингловчилар билими ва маҳоратини оширишга, пировардида мустақил диёришимизда қонун устуворлигини таъминлашга самарали таъсир ўтказди, деб ишонч билдириши мумкин.

Бердиёр ЖАББОРОВ,
Давлат солиқ кўмитаси юридик бўлим бошлиғи.



СЕШАНБА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектелефилм» намойиши: «Бойсун».

9.20 «Соглом она - соглом бола». 9.40 «Рангин дунё». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР

10.05 «Мулк». 10.20 «Кизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?» Бадий фильм.

11.35 «Ўзбек спорти одимлари». 11.55, 13.55 ТВ анонс. 12.05 «Париси бор уй».

12.35 «Кино оламда». 12.55 «Азиз одамлар». 14.10 «Ишлоқ ҳаёти».

14.30 ТВ клип. 14.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 14.55 Кундузги санас: «Иф калъасининг маҳбуси».

Бадий фильм. 2-қисм. Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайраси».

16.00 1. «Кўшигим жон кўшигим». 2. «Покахонтас». Мультсериал премьераси.

20.30 ТВда сериал: «Бебилска пул».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ РЖТ 6.30-8.00

17.20 «Оилавий ришталар». Сериал. 18.20 «Бэйб». Кинокомедия.

18.20 «Время». 20.35 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектелефилм» намойиши: «Сарнашма».

9.10 «Нафосат гулшани». 9.40 «ТВ альманах».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР 10.05 Алифбо сабоқлари.

10.25 «Омад хамиша келавермайди». Бадий фильм.

10.55 «Тунингиз оғула бўлсин!» 11.35 «Китоб жавонингизга».

11.55, 14.30 ТВ клип. 12.05 Болалар ўчин. «Миттвойлар оиласи».

17.55, 19.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ РЖТ 6.30-8.00

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал «Официна баридан чиққан фарибгарлар».

17.55, 19.15, 21.35 «Экспресс» телегазетаси. 18.15 Болажонлар экрани.

18.25 «Менинг замоним». 18.30, 20.00, 21.15, 21.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Камолот фасли». 19.35 Муслиқий лаҳзалар. 19.45 «Эттиқод».

20.30 ТВда сериал: «Бебилска пул». 22.20 Кинонигоҳ. «Эдгар ва Кристина».

23.40-23.45 «Хайрли тун, шаҳрим!» 17.20 «Оилавий ришталар».

18.15 Э. Пьеха иштирокидаги концерт. 20.00 «Время».

20.35 «Рус рулеткаси». 21.25 «Титаник». Сериал. 22.10 «Евроњуюс».

22.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 00.10 «Ахборот» (рус тилида) 00.40 «Тунингиз оғула бўлсин!»

20.20 Дийдор. 20.40 Кўна оҳанглар.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТВда сериал «Официна баридан чиққан фарибгарлар».

17.55, 19.15, 21.35 «Экспресс» телегазетаси. 18.15 Болажонлар экрани.

18.25 «Менинг замоним». 18.30, 20.00, 21.15, 21.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Камолот фасли». 19.35 Муслиқий лаҳзалар. 19.45 «Эттиқод».

20.30 ТВда сериал: «Бебилска пул». 22.20 Кинонигоҳ. «Эдгар ва Кристина».

23.40-23.45 «Хайрли тун, шаҳрим!» 17.20 «Оилавий ришталар».

18.15 Э. Пьеха иштирокидаги концерт. 20.00 «Время».

20.35 «Рус рулеткаси». 21.25 «Титаник». Сериал. 22.10 «Евроњуюс».

22.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 00.10 «Ахборот» (рус тилида) 00.40 «Тунингиз оғула бўлсин!»

13.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести».

16.20 «Жаҳон бўйлаб». 17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

17.20 «Оилавий ришталар». Сериал. 18.15 Э. Пьеха иштирокидаги концерт.

20.00 «Время». 20.35 «Рус рулеткаси». 21.25 «Титаник». Сериал.

22.10 «Евроњуюс» видеожурнали. 22.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.

00.10 «Ахборот» (рус тилида) 00.45 «Тунингиз оғула бўлсин!»

8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. Ёзги таътил кунларида:

«Болалар сайраси». 9.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман».

17.35 «Оламни асрагин!» 18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».

23.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Кутилмаган меҳмон».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектелефилм» намойиши: «Бойсун».

9.20 «Соглом она - соглом бола». 9.40 «Рангин дунё».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР 10.05 «Мулк».

10.20 «Кизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?» Бадий фильм.

11.35 «Ўзбек спорти одимлари». 11.55, 13.55 ТВ анонс.

12.05 «Париси бор уй». 12.35 «Кино оламда».

12.55 «Азиз одамлар». 14.10 «Ишлоқ ҳаёти».

14.30 ТВ клип. 14.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.

14.55 Кундузги санас: «Иф калъасининг маҳбуси».

14.30 «Қалб гавҳари». 14.50 «Муҳофаза».

15.10 «Покахонтас». Мультсериал премьераси.

16.05 «Кулла, ўшлгим». 16.30 «Ок олтин». Телелотерея.

17.00 «Ок олтин». Телелотерея. Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайраси».

17.40 1. «Шонирлар - болаларга». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйини.

18.40 «Талабалик йилларим». 19.05 «Тўртинчи хокимият».

19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).

20.05 «Кўшигимиз Сизга армуғон». 20.30 «Тахлилнома».

21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». 21.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кузи».

«Якшанба кинозали: 22.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».

23.00 «Калтис кадам». Бадий фильм. 1-2 сериялар. 00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 16822632 ОКПО кодли «Ҳикматли нон» очик акциядорлик жамияти

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги «АДИЛ НАСИБ» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси

«Зенит» очик турдаги акциядорлик жамияти 2002 йил 24 июнда акциядорларнинг умумий мажлиси ўтказилишини ХАБАР ҚИЛАДИ

«ЗЕНИТ» ОТАЖНИНГ 01.01. 2002 ЙИЛ ҲОЛАТИГА КўРА БАЛАНСИ. АКТИВ минг сўм ПАССИВ минг сўм

Тошкент шаҳридаги «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компаниясининг «Учкун» спорт-соғломлаштириш мажмуида Ўзбекистон ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитасининг соврини учун теннис бўйича республика турнири бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ажойиб спорт тури — теннис тобора оммавийлашиб, «олтин копток» ихлосмандлари сони кўпайиб бормоқда. Жаҳоннинг энг мохир теннис усталари иштирокидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги», «Тошкент Опен», Челленджер каби юксак нуфузга эга бўлган халқаро турнирлар, шунингдек, республика миқёсидаги турли мусобақалар айтиш жоизки, бу муваффақиятларга омили бўлиб хизмат қилаётир.


— Профессонал теннисдаги ютуқларга ҳаваскорлар ўртасидаги мусобақалар ҳам муносиб улуш бўлиб қўшилаётганлигидан бағоят хурсандимиз, — дейди тармоқ ходимлари касабаси уюшма



ТЕННИС БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ТУРНИРИ

Марказий кўмитаси раиси Алишер Фуломов. — Зотан, учинчи мартаба ўтказилаётган мазкур турнир ходимларимиз ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали минглаб ёшларимиз қалбида теннисга нисбатан юксак қизиқиш ҳиссини ҳам уйғотаётир. Биринчи ва иккинчи босқич голиблари — 45 ёшгача ва ундан катта ёшдаги эркек ҳамда аёллар турнирнинг сўнгги, финал босқичида иштирок эттиди. Айтиш керакки, мусобақаларда тажрибалироқ ҳисобланган пойтахтликларнинг «Тошкент-1» ҳамда «Тошкент-2» жамоалари голиблик учун асосий даъвогар бўлишди. Хоразм, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари эса пойтахтлик теннисчиларга муносиб қаршилиқ кўрсатдилар. Бинобарин, 45 ёшгача бўлган эркеклар ўртасида О.Худоёров (Хоразм вилояти), М.Шодиёв, Ш.Намозов (Қашқадарё вилояти)лар, 46 ёшдан катталар ўртасида А.Гончаров («Тошкент-1»), У.Воисов (Хоразм вилояти), О.Мардонов (Қашқадарё вилояти)лар совринли ўринлари эгалладилар.

Шу кунга қадар, Франциянинг «Ланс» клуби аъзоси Эл Жахи Диуф мўъжиза кўрсатди. Учрашудан олдин ваъда қилгани каби шведлар дарвозабонини доғда қолдириб қўйди, ҳамма дошларининг руҳига руҳ қўша олди. Биринчи бўлимдаёқ ҳисобни тенглаштирган сенегаллик футболчилар қолган дақиқаларда ҳам ташаббусни ўз қўлларидан саклаб,



Жуфтлик беллашуварларида У.Воисов-О.Худоёров (Хоразм вилояти), И.Рацбаум-О.Власова («Тошкент-1»)ларга омад кулиб боқди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга лойиқ қўрилган Тошкент шаҳрининг биринчи жамоаси турнир кубоғи, диплом ва кимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Кейинги ўринларни эгаллаган «Тошкент-2» ва Хоразм вилояти жамоаларига ҳам Республика тармоқ ходимлари касабаси Марказий кўмитасининг кубок, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

О.КАМОЛОВ, «Ишонч» мухбири. И.ХАСАНОВ олган суратлар.



ЯНА БИР ФАРОЙИБ НАТИЖА

сенегаллик футболчиларнинг нуфузини ошириб юборди

Нимчорак жуфтликлари маълум бўлган, башоратчилар ҳам дарҳол ишга тушиб кетишди. Ким кимнинг курагини текширади-ю қайси жамоалар кейинги босқичга йўл олишдан торттиб финалда Жаҳон кубоғини қўлга киритиш учун назарий баҳса киришадиган бош мараббийларнинг номларига тилга олиш бошланди.

Чемпионат фаворитлари бўлиши Франция, Аргентина, Португалия жамоалари уйга раваона этилган, башорат қилиш ҳам унчалик мушкул бўлмади қолганда туюлганди. Йўқ, яна янглишган эканмиз. Илк учрашувдаёқ жаҳон чемпионларини мағлуб этиб, ўзига хос сенсациялар сериясини бошлаб берган Африка қитъаси вакиллари тасодифий натижаларга одадий туш беришга аҳд қилган кўриндилар. Сенегал футболчилари нимчорак финал баҳсида Скандинавиянинг энг матонатли ва совуққон жамоаси — Швеция термасига яна тўрт йилга етатидан сабоқ бердилар. Гарчанд «Селтик» ҳужумчиси Х.Ларссон ҳисобини очиб, ўз жамоасини олдинга олиб чиққан бўлса-да, охири-оқибат африкаликларнинг нимчорак финалгача етиб келган ягона жамоаси Узоқ Шарқни мuddатидан илгартириш тарқ этиш ниятидан йироқ эканлигини амалда исботлади билди.

Ишқибоз ён дафтарига

Нимчорак финал	
15 июн Германия-Парагвай	1:0 Согвипо
15 июн Дания-Англия	0:3 Ниигата
16 июн Швеция-Сенегал	1:2 Сувон
16 июн Испания-Ирландия	1:1 (пенальтидан 3:2) Оита
17 июн Мексика-АҚШ	0:2 Чонджу
17 июн Бразилия-Бельгия	2:0 Кобе
Улар чорак финалда учрашадилар	
21 июн 11:30	Англия-Бразилия
21 июн 16:30	Германия-АҚШ

Жаҳон биринчилиги кизгин давом этаётган ва футбол мухлислари ҳам шаклан, ҳам мазмунан эталон даражадаги ўйинлардан баҳраманд бўлиб турган бир паллада икки чемпионатимиз хусусида жўяли фикр айтиш, ҳар қалай осон бўлма-са керак. Лекин бир нарса аниқ: гарчанд кўз нуриимиз ва шуғуримиз Узоқ Шарқдан узатилётган тасвирларни қабул қилиб олаётган эса-да, бутун қалбимиз ўз футболимиз, ўз футболчиларимиз ва ўз майдонларимизда кечаётган ўйинлар билан банд десак, асло муболага эмас.

ПЕШҚАДАМНИНГ ОТИ ҚОҚИЛДИ

Биз фақат қиёсламоқдамиз, нималарнидир ўзимизда ҳам қўришни орзу қилмоқдамиз ва йўл-йўлакай имкониятларимизни тайёр мезонлар кўмағида тарозуда тортиб олмақдамиз. Қайсидир жиҳатдан кўнглимиз тўлса, қайсидир жиҳатдан хали кўп ўрганишимиз даркорлигини англаб етмоқдамиз.

Кунга кеча мамлакатимизнинг турли шаҳарларида бўлиб ўтган икки чемпионатимизнинг ўн учинчи тур баҳсларини таҳлил қилар эканмиз, беихтиёр шуларни ўйладиқ. Табиийки, ўзимиз учун нималарнидир кашф этдик, аммо ҳали олдинда амалга оширилажак юмушлар салмоғини-да елкамизда туйғандек бўлдиқ.

Сир эмас, мавсум бошида Қаршининг «Насаф» жамоасига катта умид боғлаган, айнан ушбу воқеа вакиллари чемпионатимизга янги-ча руҳ олиб киришига

Ўзбекистон чемпионати

ҳассислар томонидан ҳам, мухлислар томонидан ҳам эътирф этилаётган моҳир ҳужумчи Зайниддин Тожиёвнинг йўқлиги туфайли шундай ҳол юз бергандир? Борди-ю, шундай бўлса, у ҳолда «Пахтакор» мараббийлари учун иш то-



пилибди. Чунки у ёки бу футболчига боғланиб қолиш қанчалар панд бериши мумкинлигини биз жаҳон чемпионати мисолида ҳам кўриб турибмиз. Тўғри, футболда ҳеч бир жамоа мағлубиятдан кафолатланган эмас. Шу жумладан чемпионат қарвонбоши ҳам. Аммо, афсуски, «Пахтакор» учрашувни йирк ҳисобда (0:4) бой берди. Нимасини айтасиз, жамоа таркибидан мамлакат термаси аъзоларидан жуда кўп футболчи-

13-турдан кейинги вазият

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	12	11	0	1	39-7	33
2. «Кизилкум»	13	9	1	3	32-13	28
3. «Насаф»	13	7	2	4	24-14	23
4. «Нефтчи»	13	7	2	4	22-13	23
5. «Дўстлик»	13	7	0	6	18-19	21
6. «Бухоро»	13	6	2	5	18-27	20
7. «Металлург»	13	5	4	4	15-16	19
8. «Самарқанд-Д»	13	5	3	5	13-16	18
9. «Навбахор»	13	5	2	6	20-23	17
10. «Сўғдиёна»	13	4	3	6	14-18	15
11. «Зарафшон»	12	4	2	6	15-13	14
12. «Кўкон-1912»	13	4	2	7	12-20	14
13. «Трактор»	13	3	4	6	14-20	13
14. «Андижон»	13	3	3	7	14-24	12
15. «Сурхон»	13	3	2	8	10-23	11
16. «Машъал»	13	3	2	8	12-26	11

Турмуш чорраҳаларида

ЯХШИ ҚАЙНОНАНИНГ КЕЛИНИ... ёмон бўлмади

Тошкентнинг Қорасув даҳасида яшайдиган Дилобар Абдуллаева шундай ҳикоя қилди:

— Яқин дугонанинг туғилган кунига бормоқчийдим. Аксига олиб, қизчам шамоллаб қолди. Дўхтир қақирдик, доридармон қилдик. Қизимнинг иситмаси бир оз пасайди. Барибир Собир акам: «Ҳеч қайқа бормайсан, болага қараб ўтир», дедилар. «Ойимлар борлар-ку, болага қараб турадилар» десам ҳам кўнмадилар.

Шу пайт қайнона-ойижоним кириб келдиларда, «Қани, Дилобархон, отлана қолинг, бориб ўйнаб келинг, болага ўзим қараб тураман, дедилар. Ойижонимнинг меҳр тўла кўзларига қараб, ширин сўзларини эшитиб, кўнглим чирок ёққандек ёришиб кетди.

Дугоналарим билан бироз суҳбатлашиб, уйга келсам, қизчам чопқиллаб ўйнаб юрибди. Шодлигим ўн чандон ошди. Ойижонимга минг бора раҳматлар айтдим. Собир акам ҳам ишдан қайтган, ҳаммамизни хурсанд қўриб, чехралари очилиб кетди...

Мана ҳозир биз уч келинимиз, ўчовимизнинг билмаганимизни билдирган, гоҳ шамоллаб, қиз-неғиб қолсақ бир қошиқ иссиқ овқат қилиб, бошимизда парвона бўлган меҳрибон ойижонимизнинг дунё тургунча яшашларини Яратгандан сўраймиз...

Энди оқловчи бўласиз, Санъат МАХМУДОВА.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди: 21:50

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамда гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотишда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г— 519. 1 2 3 4 5 6